

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВА НАРГИЗА ИБРАГИМОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИОКИМЁ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Камолова Наргиза Ибрагимовна

Олий таълим муассасаларида Биокимё фанини ўқитиш методикасини
такомиллаштириш 3

Камолова Наргиза Ибрагимовна

Совершенствование методики преподавания Биохимии в высших учебных
заведениях..... 19

Kamolova Nargiza Ibragimovna

Improvement of the methods of teaching Biochemistry in higher educational
institutions..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВА НАРГИЗА ИБРАГИМОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИОКИМЁ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2254 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Бозорова Саодат Жамоловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__»_____соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «__»_____да таркатилди.
(2021 йил _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, техника фанлари доктори,
профессор

Н.К. Хидирова

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Б.Ж. Элмуратов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида тараққиёт тенденцияларига мос равишда таълим мазмунини инновацион технологиялар воситасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида белгиланган “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” вазифаси ўқитишга илғор ёндашувларни кенг жорий этишни таъминламоқда. Бу эса дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари миллий ва халқаро таълим муҳитида соҳа мутахассислари даражасини ташхислаш, фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, ўқитишни педагогик дастурий воситалар ҳамда интерфаол методлар асосида ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро миқёсда табиий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, кимёнинг назарий асосларини ахборот технологиялари ва инновацион педагогик технологиялар ёрдамида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Педагогика таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни, жумладан, кимё ва биология ўқитувчиларининг назарий билимларидан амалиётда муваффақиятли фойдалана олиш малакаларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар интеллектуал салоҳиятли, касбий кўникмаларга эга компетентли мутахассисларни тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқув жараёнига инновацион технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш, ўқитиш интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш, уларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, “кимё ва биология фанлари бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшимча қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантириш, ҳамда пировард натижада, халқимиз турмуш шароити ва даромадларини ошириш” вазифалари¹ талабаларнинг касбий компетентлигини ошириш, умумий ўрта таълим тизимида кимё ва биология фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш ҳамда махсус ўқув фанларини ўқитиш методикаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сонли, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон қарори .

фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонунлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш, кимё фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммоларига доир бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, бу борада Raymond Chang, E. R. Johnson, M. L. Maier, W.R Oliver, Z. Tatli, A. Ayas, S. Rose ва K. Shen ning тадқиқот ишларини қайд этиш мумкин.

Кимё ва биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини ошириш масалалари МДХ мамлакатларида И.М. Гапоненко, Т.В. Боровских, М.Б. Дьякова, О.С. Зайцев, С.В. Иноземцева, Н.Е. Кузнецова, Л.Г. Таскаева, Г.М. Чернобельская, Д.П. Еригин, Э.В. Тулакова, М.А. Хачатуриан, Б.Д. Березин, Э.Г. Злотников, В.С. Полосин, М.А. Шаталов, Л.А. Жарких, Е.К. Долгань каби олимлар томонидан турли даражада ўрганилган.

Мамлакатимизда кимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича Ҳ. Омонов, М. Умаров, А. Мамажонов, Ж. Фаёзов, Т. Гулбоев, А. Азимов, Ш. Бегматов, Э. Эшчанов, Ф. Алимова, Л. Зайлобов, О. Стешина, М. Ажиева, С. Низомова, Х. Ражабов, И. Шерназаров ва Ш. Шомуротоваларнинг илмий изланишлари эътиборга лойиқ.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикамиз олий таълим муассасаларида биокимё фанини инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-230 рақамли “Экология ва атфори-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув методик қўлланмасини тайёрлаш мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида бўлажак кимё ўқитувчиларини тайёрлашда биокимё фанини ўқитишнинг методик асосини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биокимё фанига оид ўқув ва ўқув методик адабиётлар ҳамда биокимё фанини ўқитиш соҳасида олиб борилган педагогик тадқиқот ишлари таҳлили асосида фанга оид дидактик таъминотни кенгайтиришнинг назарий асосини ишлаб чиқиш;

ахборот муҳити шароитида олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитишнинг дидактик тамойилларига кўра назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда ахборот-коммуникатив технологиялари имкониятларига устуворлик бериш асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқиш;

биокимё фани ўқитилаётган олий таълим муассасалари учун компетенциявий ёндашув асосида биокимё фанига оид дидактик таъминотини яратиш ва уни амалиётда тажриба-синовдан ўтказиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг биокимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика олий таълим муассасалари кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши талабаларига инновацион технологиялар ёрдамида биокимё фанини ўқитиш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакл, усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид табиий-илмий, умумкасбий, психологик-педагогик адабиётлар, замонавий интерфаол методлар таҳлили, педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, анкета сўровномалари, суҳбат ва тест синовлари натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

анъанавий ўқитиш усуллари ва замонавий педагогик технологиялар асосида олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитишнинг методик тайёргарлик (бошланғич, тайёргарлик, асосий) босқичларининг таркибий қисмлари такомиллаштирилган;

замонавий ахборот муҳити шароитида олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда ахборот-коммуникатив технологиялари имкониятларига устуворлик бериш (электрон таълим ресурслари, электрон ўқув қўлланмалар) асосида биокимё фанини дидактик таъминоти кенгайтирилган;

биокимё фанига оид дидактик таъминотни кенгайтириш ва замонавий педагогик технологиялар асосида биокимё фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг биокимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари (ижтимоий, маънавий, психологик - педагогик) мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсаткичлари (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг биокимё фанини ўзлаштириш ва методик тайёргарлигини оширишга доир муаммоли характердаги топшириқлар ишлаб чиқилган ҳамда бўлажак кимё ва биология ўқитувчилари методик тайёргарлигининг шакл, метод ва воситалари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг биокимё фани бўйича методик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид мультимедиали электрон ахборот ресурслари яратилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг дастурий гувоҳномаси, DGU 10947, 2021 й.);

биокимё фанидан назарий ва лаборатория машғулотларини бажаришда “Biokimyo” номли электрон ўқув қўлланма (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг дастурий гувоҳномаси, DGU 10953, 2021 й.) яратилган ва амалиётга жорий этилган;

биокимё фанини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича “Biokimyo” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи / 237-070-сон нашр рухсатномаси) номли ўқув қўлланма чоп қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги, математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак кимё ва биология ўқитувчиларини инновацион тайёрлашнинг мазмунини ўзида мужассам этган биокимё фанини ўқитиш жараёнига оид модел бошқа фанларни касбга йўналтирилган ҳолда ўрганиш учун методик асос бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биокимёни ўзлаштиришга доир муаммоли вазиятлар ва методик характердаги вазифалар тизимини ишлаб чиқиш, биокимё фанига мўлжалланган дарс ва дарсдан ташқари мустақил ишлар учун дидактик материаллар тўпламини тузиш, электрон таълим ресурслари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, талабаларнинг креатив қобилиятлари ҳамда касбий компетентлигини

оширишга хизмат қилувчи дастурий маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биокимё фанини ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

замонавий ахборот муҳити шароитида олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитишдаги функцияларини интерфаол методлар ва ахборот технологияларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар асосида “Biokimyo” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи / 237-070-сон нашр рухсатномаси). Натижада биокимё фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, талабаларнинг фанга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш, ўқув машғулотларини инновацион шаклда ташкил қилиш имконияти ортган;

бўлажак ўқитувчиларнинг биокимё фанидан ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсаткичлари асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар асосида “Biokimyo” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи / 237-070-сон нашр рухсатномаси). Натижада бўлажак кимё ўқитувчиларининг биокимё фанини ўзлаштириш сифати ортишига эришилган;

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, касбий маҳорати ва ўқув-услугий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенцияларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Тадқиқот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 майдаги 02-70-771- сон маълумотномаси). Натижада биокимё фанини ўқитиш мазмуни электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга доир илғор ёндашувлар асосида бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услугий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси республика ва хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари белгиланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, муҳим натижаларнинг оммалаштирилганлик даражаси ёритилган.

Диссертациянинг **“Педагогика олий ўқув юртларида кимё ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда бўлажак педагогларнинг методик тайёргарлик тизимини яратишда методологик ёндашувлар, бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг методик тайёргарлик ҳолатини ўрганиш, биокимё фанини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш усуллари, тадқиқот муаммосининг республикамизда, МДХ мамлакатлари ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий таҳлил қилинган.

Педагогик вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал этиш ўқувчиларни педагогик, хусусан, методологик муаммоларни кўришга ўргатади. Уларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиради, методологик ва педагогик муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини оширади. Муаммоли методологик вазиятларни моделлаштириш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бўлажак ўқитувчилар билан мактаб амалиётида юзага келадиган муаммоларни муҳокама қилиш.


2. Педагогик муаммоларни ечишга доир лойиҳаларни тузиш (одатий вазиятларни моделлаштириш).

3. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тақлид қилувчи педагогик ўйинлардан фойдаланиш.

Методологик муаммоли вазиятни ўрнатиш талабалар ўртасида касбий фаолиятнинг эҳтиёж ва мотивларини уйғотиш йўлидаги биринчи босқичдир. Иккинчи босқич мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, методологик муаммони ажратиш ва шакллантиришдан иборат. Талабанинг ўқув фаолияти ўқитувчининг касбий фаолияти каби тузилмага эга. Фарқи шундаки, ўқувчи ўз ривожланишига қаратилган когнитив вазифаларни, ўқитувчи эса ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган педагогик вазифаларни ҳал қилади (1-расм).

Фанларни ўқитишда талабаларни методик тайёрлашга бўлган эҳтиёж иккала турдаги вазифаларни яхлит бирлаштиришни талаб қилади. Педагогик вазифалар ўқув ишлари амалиётида юзага келадиган типик вазиятларни моделлаштиради (тақлид қилади), таълим жараёнида турли амалий кўникмаларни ривожлантириш учун ўқув материали сифатида ишлатилади. Методик вазифалар педагогик муаммоларнинг алоҳида кўринишидир, чунки улар мактаб мавзусининг ўзига хос ўқув материаллари билан ишлаш қобилиятига асосланади.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқитувчиларни доимий методик тайёрлаш тизимини яратиш зарурияти фан ўқитувчилари учун кийинчилик туғдиради. Бунда фаннинг назарий асоси, методик билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фаолиятини тўғри ташкил этиш учун талаба мактаб ўқитувчи фаолиятидаги ўхшашлик ва фарқ нимада эканлигини билиш керак (1-расм):



1-расм. Талабалар ўқув фаолияти ва ўқитувчилар касбий фаолиятининг қиёсий хусусиятлари

Диссертациянинг “Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда биокимё фанини ўқитишнинг методик асослари” деб номланган иккинчи бобида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш орқали таълим бериш мазмуни баён этилган.

Биокимё фанини ўқитишнинг дидактик таъминоти, метод ва воситалари очиб берилган, талабаларнинг ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаш, компьютер воситалари орқали таълим олиш имкониятлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.

Дарс мазмунини кимё ўқитувчисининг амалий фаолияти билан боғлаш таълим педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун доимий методик тайёргарликни таъминлашга қаратилган. Хусусан, биокимё фанининг мазмуни ва кимё ўқитувчисининг амалий фаолияти ўртасидаги боғлиқлик турли йўллар билан намоён бўлади:

1) концептуал тизимнинг умумийлиги назарий тушунчалар ва кимёнинг қонуниятлари таркибида очилганлиги, шунингдек, кимёвий тадқиқотлар ва методларининг бирлиги орқали;

2) таркибни шакллантириш усуллариининг яхлитлиги орқали, яъни олий таълим кимё фани таркибини мактаб ўқитувчиси кимёвий мавзулар ва дарслар таркибини тузишда такрорлаши мумкин, аммо мактаб ўқув дастурининг ҳажми фарқ қилади;

3) худди шу таркибдаги мактаб ўқувчиларининг олий таълим фанларини ўзлаштириш бўйича фаолият турлари орқали.


4) кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчининг бир қатор шахсий хусусиятларини (педагогик фаолият мотивлари, шахсий, касбий ва экологик маданият) тарбиялаш имконияти орқали.

Талабанинг фаолият мотиви ва мақсадини унинг учун биокимёвий билим ва кўникмалар муайян педагогик мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қиладиган махсус методик муаммоли вазиятни яратиб ўзгартириш мумкин. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи биокимёвий мазмунни ўзлаштиришнинг мотив, мақсад ва вазифаларини, ўқув муаммоси, шунингдек, муаммо ечимига олиб келувчи ўқув жараёнини ташкил этиш метод, шакл ва воситаларини англаши мумкин бўлган шароитни яратиши зарур.

Муаммоли методик вазият талабаларга ўқув жараёнини маълум шароитларда муайян педагогик мақсадларга эришишни таклиф этувчи алоҳида методик топшириқ ёрдамида келтирилади. Аммо биокимё фанини ўқитиш жараёнига кўшимча методик топшириқларни киритиш таълимда кўшимча вақт сарфига ҳамда талабалар учун ортиқча ўқув юкмасига олиб келади. Шунинг учун бир вақтда ўз ичига ўқув топшириқларини киритадиган методик топшириқлар тизимини яратиш талаб этилади.

Биокимёни ўқитишда методик тайёргарлик ўқув жараёнининг жадаллашувиغا олиб келади ҳамда репродуктив ўқув фаолияти методларини фаол ва маҳсулдор турларига алмаштиришни талаб этади (2-расм).

Талаба ўқувчи фаолияти тузилишини ўз ўқув фаолияти давомида тушуниши ва ўзлаштириши мумкин. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи биокимёвий мазмунни ўзлаштиришнинг мотив, мақсад ва вазифаларини, ўқув муаммоси, шунингдек, муаммо ечимига олиб келувчи ўқув жараёнини ташкил этиш усули, шакли ва воситаларини англаши мумкин бўлган шароитни яратиш заруриятлари ўрганилган.



2-расм. Биокимё фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш моделининг тузилмаси

Методик топшириқлар биокимёвий топшириқларга нисбатан умумий ҳисобланади ва уларни таркибий қисм сифатида камраб олади, чунки ўқувчига топшириқни таклиф этишдан аввал, ўқитувчи уни аввал ўзи бажаради ва ечиш йўлини таҳлил қилади.

Ўқитувчининг методик фаолияти – бу ўқувчи фаолиятини умумлаштириш, унда асосийси – мотивлар, мақсадлар, шароитлар, хатти-ҳаракатлар структурасини ажратишдир. Шу тарзда бўлажак ўқитувчиларга биокимёни ўқитиш тизими қуйидаги методик шарт-шароитларга мос бўлиши керак:

а) биокимёни ўқитиш жараёни курс тузилишини ҳамда талабаларнинг мазкур мазмунни ўзлаштиришлари бўйича ўқувчи фаолияти хусусиятини белгиловчи мазмунли умумлаштириш принципи билан мувофиқликда қурилиши керак;

б) методик ва ўқув фаолиятини бирлаштирувчи восита бўлиб модели методик вазиятлар тизими хизмат қилади, улар биокимёвий ўқув муаммоси ҳамда у билан боғлиқ методик муаммони ҳал этишни талаб этади;

в) биокимёвий ўқув муаммоларни ечишда ўқувчи фаолиятини ва методик муаммоларни ечиш бўйича ўқитувчи фаолияти структурасини англаш учун ҳар бир талаба ўқитувчи ҳамда ўқувчи ролида қатнашадиган роллар алмашилиш принциpidан фойдаланади;

г) биокимёни ўқитишда методик тайёргарликни жорий этиш ўқув жараёнининг жадаллашувига олиб келади ва репродуктив ўқув фаолияти методларини фаол ва махсуддор турларига алмаштиришни талаб этади.

Талабалар томонидан ўзлаштириладиган биокимёвий ва методик мазмунни умумлаштириш даражасига кўра, биокимё фанини ўқитиш жараёнида уларнинг методик тайёргарликларини амалга ошириш тўрт босқичга ажратилди: кириш босқичи; бошланғич босқич; асосий босқич; якуний босқич (1-жадвал).

Методик тайёргарликнинг бир босқичидан бошқасига ўтишда биокимёвий ва методик билим ва кўникмаларнинг умумлашганлиги даражаси ўсиб борди. Ҳар бир кейинги методик кўникмалар ичида ўзаро алоқалар ўрнатилган, аввал ўзлаштирилган алоҳида операциялар каби қамраб олинади. Бунда умумлашган хусусиятга эга бўлган янги яхлит хатти-ҳаракатлар шакллантирилди.

1-жадвал

Биокимё фанини ўрганиш жараёнида талабаларнинг методик тайёргарликларини шакллантириш босқичлари

Кириш босқичи	Бошланғич босқич	Асосий босқич	Якуний босқич
Биокимёвий мазмун			
Биокимё фани, биокимё методлари	Биополимерлар тузилиши, хусусиятлари, функциялари	Ферментлар, биожараёнлар: углеводлар алмашинуви ва липидлар алмашинуви	Биожараёнлар (нуклеин кислоталари ва оксиллар алмашинуви)
Методик мазмун			
Биокимё фани мазмуннинг методик хусусиятлари	Биокимёвий мазмун билан ишлаш кўникмаларини эгаллаш	Дарс парчасини моделлаштириш ва ўтказиш кўникмасини эгаллаш	Бутун дарсни моделлаштириш ва ўтказиш кўникмасини эгаллаш

Талабаларнинг биокимё фанини ўрганишлари давомида уларнинг методик тайёргарлиги тизимини қуришда бевосита методик тайёргарликнинг ўзига хослигини инобатга олиш талаб этилади. Унинг моҳияти бўлажак

ўқитувчи ўзаро боғлиқ икки фаолият – ўқитувчи фаолияти ва биокимёвий мазмунни ўзлаштиришга йўналган талаба фаолиятини ўзлаштириши кераклигидан иборатдир.

Талабаларнинг биокимё фанини ўрганиш жараёнида методик тайёргарликларининг яқуний босқичнинг натижаси конспектлар картотекаларини ёки батафсил ёритилган дарс режаларини тузиш ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Биокимёвий мазмун билан кимё ва биологиядан интеграллашган умумлаштирувчи дарслар картотекаси

Мавзу	Дарслар	Дарсларнинг умумий тавсифлари
Азотли органик бирикмалар	1. Оқсилларнинг тузилиши. 2. Оқсилларнинг хусусияти. 3. Нуклеин кислоталарининг тузилиши ва хусусиятлари.	Муаммоларни назарий ёки экспериментал ечиш. Оқсилли озикланиш масалалари бўйича мунозара.
Биологик фаол моддалар	1. Витаминлар уларнинг тузилиши ва биологик аҳамияти. 2. Ферментларда биологик катализаторлик хусусияти. 3. Гормонлар ва уларнинг тузилиши. Гормонларнинг моддалар алмашинувини тартибга солишдаги роли. 4. Дори воситалари.	Муаммоларни назарий ёки экспериментал ечиш. Кундалик ҳаётда синтетик витаминли, ферментатив дори воситаларини қўллаш масалалари бўйича мунозара.
Атроф-муҳит кимёси	1.Кимё ва жамият. 2.Кимё ва инсон.	Матбуот-анжумани кўринишидаги ўйин. Мавзулар: «Кимёвий саводхонлик нима?», «Зарарли одатларнинг хавфи нимада?» мавзулари бўйича мунозара.
Хужайранинг кимёвий таркиби	1. Углеводлар, липидлар. 2. Оқсиллар, уларнинг тузилиши. 3.Оқсиллар, уларнинг хусусиятлари ва биологик функциялари. 4. Нуклеин кислоталар.	Муаммоларни назарий ёки экспериментал ечиш.
Хужайраларни энергия билан таъминлаш	1. Кислород иштирокисиз органик моддаларнинг оксидланиши ҳисобига хужайраларни энергия билан таъминлаш. 2. Кислород иштирокидаги биологик оксидланиш ва аэроб шароитларда АТФ синтези.	Ўқув муаммоларини назарий ҳал этиш.
Генетик информация ва унинг хужайрада амалга ошиши	1. Ирсий ахборот. ДНКнинг кўпайиши - репликация. 2. ДНК матрицаси бўйича информация РНК нинг ҳосил бўлиши - транскрипция. 3. Генетик код. Оқсиллар биосинтези. 4. Ген ва хужайра инженеряси.	Ўқув муаммоларини назарий ҳал этиш. «Оқсил биосинтези» мавзусида дидактик ўйин. Генетик информациянинг ахлоқий жиҳатларига оид мунозара.
Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши	1. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига оид илмий дунёқараш.	«Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига оид замонавий кимёвий концепциялар» мавзусидаги тренинг машғулот.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг натижалари” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов мақсади, вазифалари, унинг ташкил қилиниши ва натижалари таҳлили баён қилинган. Тажриба-синов ишларининг мақсади олий таълим муассасаси талабаларига интерфаол методлар ва ахборот технологиялар асосида ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлар самарадорлигини аниқлаш сифатида белгиланди.

Ўқитишни интерфаол методлар ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ва синовдан ўтказиш ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтининг 5110300 – Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари тўртта, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди (2017–2020 йй.).

Педагогик тажриба-синов ишларига республика олий таълим муассасаларидан Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ), Жиззах давлат педагогика институти (ЖДПИ) ва Қўқон давлат педагогика институти (ҚДПИ)нинг “Кимё ўқитиш методикаси” таълим йўналиши 3-курс талабаларидан 265 нафари респодент сифатида танлаб олинди. Талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба-синов ишларида қатнашувчи талабалар сони 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тажриба-синовда иштирок этган таълим муассасалари ва респондентлар

№	Таълим муассасалари	Қатнашувчи респодентлар сони	Тажриба гуруҳи респодентлар сони	Назорат гуруҳи респодентлар сони
1	ТДПУ	93	52	41
2	ЖДПИ	94	46	48
3	ҚДПИ	78	38	40
	Жами	265	136	129


Педагогик тажриба-синовнинг биринчи босқичида тайёрланган тарқатма дидактик материаллар ҳамда дарс ва дарсдан ташқари ишлар учун яратилган дарс ишланмаларидан фойдаланилганда тажриба ва синов гуруҳлари талабаларининг мавзу материалларни ўрганишдаги ўзлаштиришлари деярли бир-бирига яқин эканлиги кузатилди.

Педагогик тажриба-синовнинг иккинчи босқичида:


а) биокимё фанига дахлдор ва биз тавсия этаётган материалларнинг тушунарлилиги ва қай даражада ўзлаштирилиши мумкинлигини текшириш;

б) биокимё дарсларида материалларни ўрганиш орқали талабаларнинг қизиқишини орттириш мақсадида педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш вазифалари бажарилди.

Тажриба ўтказиш учун талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Дастлабки ва тажриба сўнгида олинган маълумотлар асосида математик-статистик таҳлилий ишлар олиб борилди (3-, 4-расмлар).



3-расм. Тажриба-синов якунидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи



4-расм. Тажриба-синов якунидаги самарадорлик кўрсаткичи

Диаграммадан тажриба-синов жараёнига жалб этилган респондентларнинг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳларидагига қараганда 15%га ошганлиги кўринади. Бу амалга оширилган тажриба-синов ишларининг самарали эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

“Олий таълим муассасаларида биокимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган илмий-методик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Биокимё фанини ўқитишда фанга оид мавзуларнинг инновацион педагогик муҳит асосида тизимлаштирилиши ўқитишнинг дидактик

имкониятларини кенгайтиради ҳамда мазкур ўқув фани мавзуларини ўқитиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

2. Кенг ахборот муҳити шароитида ва инновацион педагогик технологиялар асосида биокимё фанини ўқитиш методикасининг элементлари (фанни ўқитишнинг мазмуни, усул, восита, шакл ва педагогик шарт-шароитлари) тадқиқ қилинган.

3. Олий таълим муассасаларида биокимё фанидан лаборатория ишлари, намоёна тажрибалар, мустақил таълимни табиий ва виртуал шаклларда аудитория шароитида ташкил этиш ва ўтказиш, фанни ўқитишда инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини интеграциялаш асосида талабаларнинг мотивацион, креатив, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги тадқиқот жараёнида ўз тасдиғини топган.

4. Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижасига кўра инновацион технология муҳитида биокимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш асосида талабаларда биокимё фанидан эришилган самарадорлик математик статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Мазкур фанни ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов иши якуни унинг самарадорлигини тасдиқлаган.

Олий таълим муассасалари талабаларига биокимё фанини ўқитишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

- яратилган мультимедиа электрон ахборот ресурсларини бўлажак кимё ўқитувчиларининг ахборотлар билан ишлаш фаолиятида кенг қўллаш тавсия этилади;

- яратилган электрон ўқув қўлланма бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида ўқув жараёнларини самарали ташкил қилишларида фойдаланиш;

- тайёрланган “Biokimyo” номли ўқув қўлланмадан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, фанга бўлган қизиқиши, ўқув фаоллигини ошириш, ўқув машғулотларини инновацион кўринишда ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАМОЛОВА НАРГИЗА ИБРАГИМОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ БИОХИМИИ
В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.PhD/Ped2254.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.uzicps.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдушукуров Анвар Кабирович,**
доктор химических наук, профессор

Бозорова Саодат Жамоловна,
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарсий государственный университет**

Защита диссертации состоится _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней № DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 при Институте химии растительных веществ. Адрес: 100170, город Ташкент, улица Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (зарегистрирована под № _____). Адрес: 100170, город Ташкент, улица Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(Реестр протокола рассылки № _____ 2021 г.)

Ш.Ш. Сагдуллаев,
Председатель Разового Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Н.К. Хидирова,
Учёный секретарь Разового Научного Совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.,
старший научный сотрудник

Б.Ж. Элмуратов,
Председатель Разового Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор химических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире обращается особое внимание совершенствованию учебных материалов соответственно тенденциям развития в области образования. В принятой со стороны ЮНЕСКО международной концепции образования до 2030 года “Создание возможности получения образования на протяжении всей жизни” определено в качестве актуальной задачи. В ведущих высших образовательных учреждениях мира придаётся значение диагностике уровня специалистов сферы в национальной и международной среде, совершенствованию методической подготовки будущих учителей химии, комплексному использованию традиционных и современных методов обучения путём интерактивных компьютерных программ.

В международном масштабе уделяется особое внимание повышению эффективности преподавания естественных наук, формированию теоретических основ химии с помощью информационных технологий и инновационных педагогических технологий. Исследования, проводимые по развитию навыков будущих учителей педагогических образовательных учреждений, в том числе, учителей химии и биологии, по успешному использованию на практике теоретических знаний, занимают важное место в расширении возможностей подготовки компетентных специалистов, обладающих интеллектуальным потенциалом и профессиональными навыками.

В образовательной системе нашей страны реализуются широкомасштабные реформы по внедрению в учебный процесс инновационных технологий и информационно-коммуникационных средств, повышению интенсивности и эффективности обучения, их адаптации к мировым стандартам. Как отмечается в постановлении Президента Республики Узбекистан “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям “Химия» и “Биология”, задачи по “строительству новых производственных предприятий в регионах с углубленным обучением предметам «химия» и «биология», как следствие, ускоренное развитие отраслей фармацевтической, нефтегазовой, химической, горнодобывающей и пищевой промышленности, создающих высокую добавленную стоимость, в конечном итоге улучшение условий жизни и повышение доходов населения”¹ имеют важное значение для повышения профессиональной компетентности студентов, совершенствования содержания преподавания предметов химии и биологии в системе общего среднего образования, совершенствования методик преподавания специальных учебных предметов.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, намеченных в Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года №ЗРУ-637 “Об образовании”, Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 11 июля 2019 года №УП-

5763 “О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования”, от 29 октября 2020 года №УП-6097 “Об утверждении концепции развития науки до 2030 года”, постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, от 27 февраля 2020 года №ПП-4623 “О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования”, а также других соответствующих нормативно-правовых документах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В мире рядом зарубежных учёных проводились научно-исследовательские работы по совершенствованию научно-теоретических основ науки химии, изучению проблем использования компьютерных технологий в преподавании предмета химии. В частности, можно отметить исследовательские работы таких учёных, как Raymond Chang, E. R. Johnson, M. L. Maier, W.R Oliver, Z.Tatli, A.Ayas, S.Rose, K.Shen и другие.

В странах Содружества Независимых Государств вопросы методической подготовки преподавателей химии и биологии исследованы в научно-методических работах таких авторов, как И.М. Гапоненко, Т.В. Боровских, М.Б. Дьякова, О.С. Зайцев, С.В. Иноземцева, Н.Е. Кузнецова, Л.Г. Таскаева, Г.М. Чернобельская, Д.П. Еригин, Э.В.Тулакова, М.А. Хачатуриан, Б.Д. Березин, Э.Г. Злотников, В.С. Полосин, М.А. Шаталов, Л.А. Жарких, Е.К. Долгань и другие.

В нашей республике заслуживают особого внимания проведённые многими учёными, такими как М. Ажиева, А. Азимов, Ф. Алимова, Ш. Бегматов, Т. Гулбоев, Л. Зайлобов, А. Мамажонов, С. Низомова, Х. Омонов, Х. Ражабов, О. Стешина, М. Умаров, Ж. Фаёзов, И. Шерназаров, Ш. Шомуротова, Э. Эшчанов, научные изыскания по различным вопросам совершенствования методики преподавания предмета химии.

В высших образовательных учреждениях нашей республики ещё в недостаточной степени исследованы вопросы преподавания предмета биохимии на основе инновационных образовательных технологий.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках практического проекта № А-1-230 на тему “Подготовка учебника “Экология и охрана окружающей среды” и учебно-методического пособия “Экологическое краеведение”, выполненного в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами в 2015-2017 годы.

Цель исследования. Разработка рекомендаций по совершенствованию

методической основы преподавания предмета биохимии при подготовке будущих учителей химии в высших образовательных учреждениях.

Задачи исследования:

разработка теоретической основы расширения дидактического обеспечения предмета на основе анализа учебной и учебно-методической литературы по предмету биохимии, а также педагогических исследовательских работ, проведённых в сфере преподавания предмета биохимии;

разработка механизма совершенствования методики преподавания на основе предоставления приоритета информационно-коммуникативным возможностям при организации теоретических и практических занятий в соответствии с дидактическими принципами преподавания предмета биохимии в высших образовательных учреждениях в условиях информационной среды;

создание на основе компетенционного подхода дидактического обеспечения для высших образовательных учреждений, где преподаётся предмет биохимии, и проведение на практике его опытно-экспериментальной апробации;

совершенствование показателей усвоения предмета биохимии будущими учителями на основе показателей профессиональной педагогической рефлексии, определяющих уровень взаимосвязи критериев оценки.

Объектом исследования считаются химия и методика её преподавания в высших образовательных учреждениях, процесс преподавания предмета биохимии студентам направления бакалавриата с помощью инновационных технологий.

Предметом исследования являются содержание, формы, методы и средства совершенствования методики преподавания предмета биохимии в высших образовательных учреждениях.

Методы исследования. Использованы методы математического и статистического анализа результатов естественно-научной, общей, психолого-педагогической литературы, относящихся к теме исследований, анализа современных интерактивных методов, педагогического наблюдения, сравнительного анализа, экспериментов, анкетирования, собеседования и тестов.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

усовершенствованы компоненты методических подготовительных (начальных, подготовительных, базовых) этапов обучения биохимии в высших учебных заведениях на основе традиционных методов обучения и современных педагогических технологий;

